



**Scientific Conference on Multidisciplinary Studies**

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11<sup>th</sup> May, 2025

## **ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИГА ЛОГИСТИК ЁНДАШУВ**

Атаджанова З. С.

Тошкент давлат транспорт университети, катта ўқитувчи

Муродов А.С.

Тошкент давлат транспорт университети, катта ўқитувчи

Шаҳар йўловчи транспортини ривожлантиришда логистик ёндашув аҳолининг ташиш эҳтиёжларини оптималлаштириш, харажатларни камайтириш ва хизмат сифатини оширишга хизмат қилади. Бу ёндашув транспорт тизимини лойиҳалаш, шаҳарсозлик билан мувофиқлаштириш ва йўловчи оқимларини самарали бошқаришни таъминлайди.

Маълум бир минтақа ёки шаҳар миқёсида самарали транспорт фаолиятини таъминлаш учун яратиладиган транспорт тизимини лойиҳалаш ва шаҳар қурилишини мувофиқлаштириш ишларидан бошлаб логистик ёндашувни қўллаш зарур бўлади. Бундай ёндашув асосида аҳолининг яшаш жойларини меҳнат объектларига яқинлаштириш орқали уларнинг ташишга бўлган эҳтиёжини камайтириш мумкин. Бунда лойиҳалаштирилаётган йўловчи ташиш тармоғи йўловчиларнинг манзилга етиб бориш вақтини қисқартириш учун бекатда кутиш, транспорт алмаштириш ва бошқа вақт элементларини оптималлаштириш лозим.

Логистик ёндашув – маълум хизмат даражасини таъминлаган ҳолда йўловчиларни бир манзилдан бошқа бир манзилга белгиланган муддатда хавфсиз ва ишончли равишда, минимал харажатлар эвазига етказиш борасидаги транспорт фаолиятини режалаштириш, техник воситалар ишини ташкил этиш ва бошқариш усуллари асослайди. Йўловчи транспортда логистиканинг қўлланилиши йўловчилар оқимини керакли манзилларга етказиш жараёнларини оптималлаштиришга имкон беради.

Йўловчи транспортини техник-технологик инфратузилмасини лойиҳалашда логистик ёндашув йўловчи оқимларини шакллантирувчи манзиллар орасида қисқа йўл тармоғини таъминлашга, уларни амалга оширишда транспорт



## Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11<sup>th</sup> May, 2025

воситаларининг рационал турларидан фойдаланишга имкон беради. Маълумки логистик ёндашувни ташкил қилиш учун транспорт хизматлари жараёнларини маркетинг тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки маркетинг транспорт хизматларига бўлган талабни шакллантирса, логистика уни оптимал тарзда амалга оширади. Асосан, шаҳар транспортда хизматлар сифатини яхшилаш тадбирлари доимий равишда ўрганилиб боришни талаб этади. Чунки транспорт фаолиятининг ривожланиши аҳолининг транспорт хизматларининг сифат даражасига бўлган талабини ҳам оширади.

Логистик тизим доирасида йўловчи транспорти самарадорлигини оширишга имкон берувчи қуйидаги масалаларни кўрсатиш мумкин:

- 1) йўловчи транспорти тизими манфаатларини аҳолини ташишга бўлган эҳтиёжи ва давлат, ишлаб чиқариш ва шахсий йўналишда ҳисобга олишга имкон берадиган, тизим фаолиятига жиддий таъсир этадиган йўловчи ташиш логистик тизимини асослаш;
- 2) ҳудуд ва шаҳарлар ҳамда уларнинг транспорт тизимларини ривожлантиришга интеграллашган ёндашувни асослаш ва таъминлаш;
- 3) аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш даражасини ошириш йўллари ва усуллари ишлаб чиқиш;
- 4) ҳудуд ва шаҳарлар транспорт тизимларини замонавий транспорт воситалари ҳамда иқтисодий ва экологик жиҳатдан самарали ташиш техникаси ва технологиялари билан таъминлаш.

Шаҳар йўловчи ташиш транспорти, яъни автобус йўналишлари фаолиятини комплекс ривожлантириш дастури ўз ичига асосан учта йўналишни қамраб олади:

- амалдаги мавжуд йўналишлар фаолиятини ривожлантириш;
- шаҳар ҳудудидаги янги йўналишлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни ривожлантириш;
- шаҳар атрофи ҳудудларини шаҳар маркази билан боғловчи йўналишлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни ривожлантириш.

Йўловчи ташиш транспорти фаолиятига логистик ёндашув нафақат ташишни ташкил этиш, балки унинг мониторингини ҳам амалга ошириб аниқланган камчиликларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат. Шунинг



## Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11<sup>th</sup> May, 2025

учун автобус йўналишлари фаолиятини тўлиқ ўрганиш автобус саройининг ва йўловчиларнинг вақт ва пул харажатларини тежаш имконини беради ва хавфсиз ҳаракатни таъминлайди.

Амалдаги автобус йўналишлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида барча автобус саройларига тегишли автобусларнинг сони, автобус типи, автобусларнинг “ёши”, автобус йўналишларида йўловчи оқим зичлиги, автобусларнинг сифмидан фойдаланиш даражаси, “тиғиз пайт”ларда йўналишда автобуслар ишнинг ташкил қилинганлик даражаси каби кўрсаткичларни ўрганиш билан биргаликда хизмат кўрсатувчи персоналнинг ўрнатилган тартиб-қоидаларга, айниқса ташиш хавфсизлиги қоидаларига риоя этишини ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Чунки, Ўзбекистон Республикасида автобуслар ва маршрутли таксиларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4-11-сонли 482-сон қарорига 2-илова)га кўра тўғридан-тўғри йўналишларда автобус ташиш хавфсизлиги автобус ҳайдовчилари; мулк шаклидан қатъи назар, автобусда ташишни амалга оширувчи ташувчилар; йўллар, кўчалар, сунъий иншоотлар, темир йўл кесишмалари, паром ўтиш жойлари, ҳаракатни бошқаришнинг техник воситаларига масъул бўлган йўл хўжалиги, коммунал, бошқа ташкилотлар (корхоналар); йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг (ГСБДД) бўлинмалари томонидан таъминланади дейилган.

Шунингдек, мулк шаклидан қатъи назар, автобусда ташишни амалга оширувчи ташувчиларнинг, уларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда асосий вазифалари қуйидагилардан иборатлиги ҳам белгиланган:

- автобусларни тегишли малакага эга ҳайдовчилар билан таъминлаш;
- йўл ҳаракати қоидалари бўйича машғулотлар ўтказиш ва ҳайдовчиларнинг касбий маҳоратини ўз вақтида ошириш;
- ҳайдовчиларнинг ўз вақтида қайта тиббий кўрикдан ўтишлари ва ташишдан олдин мунтазам тиббий кўрикдан ўтишлари устидан назоратни ташкил этиш;
- ҳайдовчиларни ўз вақтида ўқитиш ва кўрсатмалар бериш;



## Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11<sup>th</sup> May, 2025

- ҳайдовчиларга автобус йўналишлари схемалари, шунингдек, йўналишдаги об-ҳаво шароити, йўл шароитларининг ўзгариши ва ҳаракатни ташкил этиш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;
- ҳайдовчилар томонидан иш вақтининг рухсат этилган давомийлигига риоя этилишини, шунингдек уларнинг дам олиши ва овқатланишини ташкил этишини назорат қилиш;
- автобусларни техник жиҳатдан соғлом ҳолатда сақлаш;
- ташишни оқилона ташкил этиш;
- ҳайдовчиларнинг хавфсизлиги, меҳнат ва дам олиш режимига риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда йўловчилар ташишни, ҳаракат тезлигини ва ҳаракат жадвалини тартибга солишни амалга ошириш;
- автобуслардан фойдаланиш, ҳайдовчилар томонидан йўналиш жадвали ва Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;
- эксплуатация қилинаётган ҳар бир транспорт воситасида лицензия картаси мавжудлигини таъминлаш;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш.

Лекин ушбу талабларга риоя этилмаслик ҳолатлари ҳам намоён бўлади. Айрим ҳайдовчилар томонидан кўча-йўл тармоғида тирбандликда туриб қолганлиги сабабли белгиланган вақтдан орқада қолиш ҳолатини тўғирлаш мақсадида ҳаракатланиш давомида кескин ҳаракатлар қилиши, йўловчилар билан тўла бўлган автобуснинг тезлигини ошириш, охириги бекатларда йўловчиларнинг автобусга чиқишлари учун етарлича вақт ажратмаслик ҳолатлари учрайди. Ундан ташқари катта сифимли автобусни бошқариш тажрибаси етарли бўлмаган ҳайдовчилар ҳам бор. Улар транспорт оқими кўп бўлган ва бурилиш жойларида аниқ мўлжал олаолмайди. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун тиғиз пайтларда автобусларнинг белгиланган жадвалдан чиқиш ҳолатларини кўча-йўл тармоғининг юкланганлигини ҳисобга олиб ишлаб чиқиш, маршрутда ишловчи автобус ҳайдовчиларининг малакаси ва психологик хусусиятларини баҳолаб бориш мақсадга мувофиқ. Мазкур масалалар автобус йўналишларида нафақат маълум бир даврда, балки



## Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11<sup>th</sup> May, 2025

кундалик фаолиятда ўрганилиши ва таъминланиши орқали юқори натижаларга эришиш мумкин.

Логистик ёндашувнинг кенг қўлланиши шаҳар йўловчи транспортининг самарадорлигини ошириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Бу йўналишда замонавий технологиялар ва доимий мониторинг тизимини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Nazarova, V., Kenjaeva, B., & Atadjanova, Z. Modeling the Level of Attractiveness of Urban Public Passenger Transport of The City of Tashkent. Journal of Optoelectronics Laser, 2022; 41(5), 274-280.
2. Дрючин Д.А., Майоров М.А. Основные направления повышения качества транспортного обслуживания населения городским пассажирским транспортом по регулярным маршрутам. Вестник Оренбургского государственного университета. 2015. №4.